

НИГИНА НИЁЗ



---

# СЎНГГИ КУН

---



*Хаёлий қисса*

**I бўлим**

Тошкент–2020



Huzuna Hněz

**А. Н. Радишчев:** *«Инсон ўлгач ҳам барҳаёт бўлиб қолади; унинг танаси емирилиб кетади, аммо руҳ емирилмайди. Унинг ерда нозил бўлишидан мақсад комиллик сари интилишидир. Демак, ўлимдан кейин ҳам руҳ ўз тадрижини давом эттиради ва такомиллаша боради. Ниҳоят, у мутлақ баркамол ҳолатга эришади. Ҳаётдан мақсад шу эрур...»*

**Бенедикт Спиноза:** *«Инсон руҳи тана билан бирга емирилиб кетмайди. Ундан мангу нимадир қолади».*

**Робиндранат Тагор:** *«Тонг чоғи, ёруғликни кўрдиму, бу олам мен учун бегона эмаслигини дарров ҳис этдим. На исми, на сийрати менга таниши бўлган сирли хилқат она қиёфасида мени бағрига босди. Ўлим чоғида ҳам мен азалдан билган ўша сирли хилқатнинг ҳузуримга келишини биламан. Негаки, мен ҳаётни яхши кўраман. Аминманки, шу сингари ўлимни ҳам севиб қоламан».*

**Вольфганг Гёте:** *«Руҳимиз ҳеч қачон емирилмаслигига ҳеч қандай шубҳам йўқ. У мангуликда мангу яшайди. У худди қуёшга ўхшайди. Чунки қуёш бизнинг моддий кўзларимиз учунгина ботади».*

**Жек Лондон:** *«Ўлим бўлмаган нарса. Тирикликнинг асоси руҳдир. Руҳимиз эса абадий яшайди... Фақат руҳгина абадий, сўнгсиз эврилишлар замирида у ёруғлик томон юксалаверади».*

**Ибн Сино:** *«Руҳ-абадий. У жисм ўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверади».*

**Гераклит:** *«Токи биз тирик эканмиз, руҳимиз ўликдир. Ўлганимиздан кейин улар тирилади».*

### **Нигина Ниёз.**

Сўнги кун: Хаёлий қисса. Нигина Ниёз (Мавлуда Иброҳимова). –Т.: , 2020. 330-б.

Америкалик киноматографчилар томонидан яратилган «Привидение» («Арвоҳ») филми ўзбек томошабинларини ҳам ҳаяжонга солган эди. Бош қаҳрамоннинг ҳалокатга учраши, танасини тарк этгач, ўлганлигини тушунмаслиги, суюқлиси билан бўладиган учрашувлар ғоят қизиқарли, ишонарли қилиб суратга олинган.

Адиба Нигина Ниёзнинг «Сўнги кун» асари ҳам у дунёдаги ҳаёт ҳақида ишонарли, мароқли ҳикоя қилади.



## МУҚАДДИМА

### **Меҳрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман!**

Ушбу асарни ёзиш осон бўлмади. Асар ёзилиши мобайнида мени бу йўлдан қайтаргувчилар кўп бўлди. Негаки, бу жуда мунозарали мавзу, барчага бирдек манзур бўладиган асар ёзиш қийин, дедилар. Чиндан ҳам у дунёдаги ҳаёт борасида турли қарашлар, тахминлар, илмий фаразлар мавжуд. Бундан ташқари, турли диний китобларда у ҳар хил ёритилган. Буддавийлик унинг бир томонини талқин этган бўлса, веда адабиётларида муфассалроқ далолатларни кўришимиз мумкин. Ислон динида ҳам ўлим чуқур ёритилган. Диншунослар ҳам ўлим ҳодисасини маълум бир нуқтаи назардан ўрганадилар. Аммо ф«икрларда фарқланишлар кўп учрайди. Масалан, суфийлик тариқатида комилликка эришган руҳлар фалак оламларига кетади, деб талқин қилинади. Тирикликда эзгу ишлар қилмаган гуноҳкор бандалар эса осмон остида қолиб, фалакка кўтарила олмайдилар, дейилади. «Одамларнинг руҳи жисмдан жудо бўлгач ва фалак оламига етгач, – деб ёзади Азизуддин Насафий «Зубдат ул ҳақойиқ»<sup>1</sup> китобида. – Фоний маркаб (от) лардан қутуладилар ва абадий маркабларга минадилар ва шу абадий маркаблар устида абадий бўладилар ва ҳар бири ўз макоми меъёрида роҳат ва фароғатда турадилар». Китобнинг яна бошқа ўрнида эса ҳалифанинг руҳи жисмини тарк этиши билан абадий Қодири роҳманир-роҳийм ва Раббил оламин ҳузурда фароғату роҳатга эришади, деб ёзилади. Умуман олганда суфийлик тариқатида руҳнинг танадан чиқиши ва мақоматига кўра оламларга кетиши батафсил талқин этилган адабиётлар кўп. Шунингдек, XIX асрда араб уламолари томонидан ёзилган «Мунтахаби

<sup>1</sup>Зубдат ул ҳақойиқ – Ҳақиқатлар қаймоғи



китоби руҳ», «Мажмаи-латоиф» асарларида ҳам ўлимдан кейинги ҳаёт, жаннат ва дўзах даражалари атрофлича тасвир этилади.

Бундан хулоса шуки, диний адабиётларда ўлим ҳодисаси ҳар хил талқин этилган. Шу боис бир фикр издошлари бошқача фикрловчи ёки бошқа мазҳабдагилар билан тортишгани тортишган.

Қарашлар турлича бўлгани учун ҳам мен бугунги кундаги илмий адабиётларни ўрганиб чиқдим ва улардан ўз асаримда ҳолисона фойдаландим. Хусусан, Моудининг «Ўлимдан кейинги ҳаёт», С.Тухолканинг «Оккулүтизм ва магия» ва бошқа қатор дунёвий адабиётларни ўқиб ўрганиш асносида талайгина қизиқарли далилларга дуч келдим.

Ҳозирги кунда ўлим ҳодисасини ўрганувчи фан тана-тология деб аталади. Ва бу ҳодиса юзасидан қатор илмий далолатлар, фаразлар мавжуд. Олимларнинг талқинига кўра, ўлим ҳаётнинг бир шаклидан бошқа шаклига кўчишидир. Яъни тана ўлимга юз тутгач, шахс-руҳ-соф онг шаклида ҳаётни давом эттиради. Онг қанчалик соф, руҳий қуввати юқори бўлса, у шу қадар юксак даражаларга кўтарилади ва ўзи сингари руҳлар билан бирга қолади. Бошқа бир илм намоёндаларининг фикрича, онг ернинг ўзида қолиб ҳаётини давом эттиради. Улар ерда бир неча ўлчамлар бор, руҳ биз кўролмайдиган ўша ўлчамларга ўтиб кетади, деб фараз қилишади. Умуман олганда, илм намоёндалари ҳам бу масалада ҳали яхлит бир тўхтамга келганларича йўқ. Бу мумкин ҳам эмас.

Фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги мени кўпроқ изланишга ундади.

«Сирли олам» ойномасида ишлаб юрган кезларим ўлимдан кейинги ҳаёт борасида кўплаб қизиқарли далолатларга дуч келганман, клиник ўлим ҳолатида бўлган кишилар билан суҳбатлашганман. Тўплаган материалларим асосида «Марҳумлар ҳикояси», «Жон чиққанда кўрганларим», «Умр шоми етгач», «Марҳумнинг кирки»



сингари қатор мақолалар ёзганман. Шу тарзда қадам-бақадам менда ўлимдан кейинги ҳаёт борасида муайян бир тасаввур ҳосил бўлди ва мен уларни жамлаб, турли тоифа инсонлар тақдири орқали ифодалашга жазм этдим. Бир чеккаси ушбу асар яқинларидан эрта айрилган, фарзанд доғида куйган оналар учун бир юпанч бўлсин, дедим. Чунки марҳумлар тирик ва ҳамиша биздан огоҳлар деб ўйлайман.

Клиник ўлим ҳолатида бўлган аксарият кишилар, танадан чиқиб, жисмларини четдан кузатганларини, атрофдагиларнинг гап-сўзларини аниқ-тиниқ эшитиб туришганини, воқеаларда бевосита иштирок эта олганларини таъкидлашади.

Улар ўлим чоғида бутун ҳаётлари кинолавҳа каби кўз олдиларидан ўтганини, қилган хато-ю гуноҳларини ўзлари ҳам кўриб, бундан жуда уялганларини айтадилар.

Бу қай бир жиҳатдан ҳақиқатга яқин. Шу боис мен асарни ёзиш мобайнида шу фикрларга таяндим ва балки мункарнакир, сўроқ-савол деганлари шу тарзда намоён бўлиши мумкин, деган тўхтамга келдим.

«Сўнгни кун» воқеаларининг аксарияти ҳаётдан олинган. Уларни излаш ёки тўқиб ёзишга ҳожат бўлмади. Қабрда тирилган бола, тирик кўмилган деб фарз қилинган отин аёл, суфийлик тариқатида юқори мақоматга эришган Нуриллоҳ қори Нақшбандий ҳаётда бўлган кишилардир. Нуриллоҳ қори ҳозир ҳам ҳаёт, шогирдлари билан беморларни даволайдилар. У киши тириклик чоғида уруж(руҳнинг танадан чиқиши)ни кўрган, маърифат мақоматига эришган, нафсни енгган тақво аҳлларидан биридир. Орамизда киши билмас авлиёлар, авлиё даражасида бўлган комил зотлар, назаркарда инсонлар бор. Фақат улар ўзини кўз-кўз қилмайдилар, хилмликда, камтарона умр кечирадилар.

Шунингдек, китобга ўзим кузатган, гувоҳи бўлган воқеаларни ҳам киритганман.

Холам, математика фанлари номзоди, уч нафар фар-



занднинг онаси Робияхон Яминова 52 ёшларида саратон хасталигидан вафот этганлар. У киши ҳамманинг ташвишини қиладиган фидоий, куйди-пишди, кўнгли дарё инсон эдилар. Холамизнинг ўлимлари дилимизда армон бўлиб қолган. Бу ҳолат қаттиқ таъсир қилганиданми, кўп тушимга кирардилар.

Бир куни тушимда оппоқ кўйлақда ўз уйларида юрганмишлар. Дастурхонлар ясатилган, хонама-хона учиб юргандайлар. Бирам хурсандларки... бизлардан:

– Менинг тўйим бўляптими? – деб сўрармишлар.

Худди шу куни холамнинг қирқлари бўлиши керак эди. Маросим ўтказиладиган хонадонга бориб, яна бир воқеа тафсилотидан хабар топдим. Холамнинг қизлари Наргиза онасини кўрганди.

– Шундоқ кароватимнинг оёғида омонат ўтирганларини ўз кўзим билан кўрдим, – деди у.

– Ухламаётгандим. Чехралари аниқ-тиниқ кўришиб турарди.

– Ойи, – деб чақиришим билан ғойиб бўлиб қолдилар. Ортларидан ҳатто дарпардалар силкиниб қолди. Буни қандай изоҳлашни билмайман, – дейди у ҳайратланиб. Энг ажабланарлиси, биз марҳумани бир кунда, бир пайтда кўрганмиз.

Хуллас, ҳаётда бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо у дунёдаги ҳаёт ҳақида асар ёзишдан пировард мақсад уни курук тасвирлаб ўтиш эмас, балки бу дунёдаги ишларимизга охират нуқтаи-назаридан баҳо бериш, чунончи инсон ҳаётида ўлимнинг энг катта сабоқ эканини эслатиб қўйиш ҳамдир.

Умримиз давомида биз тайёргарлик кўришимиз зарур бўлган муҳим ҳодисалардан бири ўлимдир. Сарҳисобимиз эса савоб ишларимиз, одамларга, элга қилган хизматимиз, яхшиликларимиз билан ўлчанади, деб ўйлайман.

Асарни ўқиб, ҳукм чиқариш сиз азиз китобхонларга ҳавола.

Балки асарнинг айрим ерларида ноаникликлар бор-





дир, хатоликка йўл қўйгандирман, балки баъзи тасвирлар сизнинг билганларингиз билан муштарак келмас. Булар учун, хатою гуноҳларим учун аввало Пок Парвардигордан, сўнгра эса сиз азизлардан узр сўрайман.

Зеро, асар воқеаларини ҳақиқат деб эмас, дунё ишларидан, туриш-турмушимиздан олинган бир сабоқ деб қабул қилинг. Агар сиз, азиз, китобхон, асарни ўқиб, воқеаларни охираат нуқтаи назаридан талқин этишни ўрганган бўлсангиз, шугина мен учун етарлидир. Чунки мен ўз олдимга айнан шу нарсани мақсад қилиб қўйганман. Бунинчоғлик уддалаганим, сизнинг ҳукмингизга ҳавола, мен ўқиганларимни, эшитганларимни ёздим. Яна ҳам Аллоҳ билгувчирокдир!

**Нигина НИЁЗ**

## ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

### ЖОН ҚАНДАЙ КЎЧАДИ ?

#### Рух вазни қанча?

Ҳаётлик чоғимизда бу ҳақда ўйламаймиз. Тана ва рух бирлигидан бахтиёр ҳолда орзу-умидлар сари интилиб яшайверамиз. Аммо барибир бир кун келиб, ҳаммамиз бу мураккаб ҳолатни бошдан кечиришга мажбур бўламиз. Ана ўшанда нималарни ҳис қиламиз? Жоннинг кўчиши қанчалар осон ва қанчалар қийин? Лопиллаб кетаётган тобутни кўриб, этларимиз увишадди, вужудимизни қандайдир мискинлик қамраб олади. Ҳаёт шу ерда тугайдими? Охириги борар манзилимиз шуми? Ўлим ҳақ! Бироқ ҳаётнинг ҳақиқати ўлимми?

Паймона тўлиши бу дунё нуктаи назаридан қаралганда, инсон тақдирида фожеавий ҳодисадир. Аммо ҳаётимизнинг маъноси ҳам ана шу бир лаҳзада кечадиган ўлим ҳолатига боғлиқ эмасмикан? Балки биз шунинг учун умр кечирармиз? ҳаётимизнинг маъноси ни фақат ўлим лаҳзасидагина тушуна олармиз?

Жон талвасасида ётган Пушкинни таниқли ҳақим В.Далё дорулбақога кузатган ва бу ҳолдан таъсирланиб кетиб, бундай деганди:

– Мана, донолик амалини, ҳаёт фалсафасини қаердан изламоқ даркор. Бу ерда жилд-жилд, қалин китоблардан ҳам топилмайдиган, омонат илм ошёнларида учрамайдиган ҳақиқатни, рух тана қафасини ёриб чиқишга уринаётган илоҳий лаҳзаларни кузатиш мумкин.

Рухнинг озодликка талпиниши. Бу мураккаб ҳолатни, тирикликдан ўлим ҳолатига ўтишдек сирли жараённи қандай изоҳласа бўлади?

Кўп йиллардан буён олимлар ҳам бу соҳага катта қизиқиш билдирмоқдалар. Ана шу оний тезликда



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4640> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4640> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4640>